



## IDEOLOGICAL AND CONCEPTUAL FOUNDATIONS OF MILITARY PATRIOTISM IN ENSURING SOCIAL AND ECONOMIC STABILITY AND PEACE IN NEW UZBEKISTAN

**Abror Rakhmanov**

36184th military unit lieutenant colonel, researcher

Ministry of Defense of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: [turktili2024@gmail.com](mailto:turktili2024@gmail.com)

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** patriotism, military patriotism, conceptual basis, idea, youth, society, security, patriotism program.

**Received:** 27.11.24

**Accepted:** 29.11.24

**Published:** 01.12.24

**Abstract:** The article provides a socio-philosophical analysis of the ideological and conceptual foundations, goals and objectives of military patriotism, the role, goals and objectives of noble ideas in educating young people in the spirit of military patriotism, and identifies retrospective and modern interpretations of the noble cause carried out in this area in New Uzbekistan.

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИКНИНГ МАҒКУРАВИЙ-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Аброр Раҳмонов**

36184-ҳарбий қисм подполковниги, тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: [turktili2024@gmail.com](mailto:turktili2024@gmail.com)

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ватанпарварлик, ҳарбий ватанпарварлик, концептуал асос, ғоя, ёшлар, жамият, хавфсизлик, ватанпарварлик дастури.

**Аннотация:** Мақолада ҳарбий ватанпарварликнинг мағкуравий концептуал асослари, мақсад ва вазифалари ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиниб, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда эзгу ғояларнинг ўрни, мақсади ва вазифалари, Янги Ўзбекистонда бу соҳада олиб борилаётган эзгу ишларнинг ретроспектив ва замонавий талқини очиқ берилган.

## ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ И КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ВОЕННОГО ПАТРИОТИЗМА В ОБЕСПЕЧЕНИИ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ И МИРА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

*Аброр Рахманов*

*36184-я воинская часть подполковник, научный сотрудник*

*Министерство обороны Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [turktili2024@gmail.com](mailto:turktili2024@gmail.com)*

---

### О СТАТЬЕ

---

**Ключевые слова:** патриотизм, военный патриотизм, концептуальная основа, идея, молодежь, общество, безопасность, программа патриотизма.

**Аннотация:** В статье социально-философски анализируются идейно-концептуальные основы, цели и задачи военного патриотизма, роль, цели и задачи благородных идей в воспитании молодежи в духе военного патриотизма, выявлены ретроспективные и современные интерпретации благородного дела, проводимые в этой области в Новом Узбекистане.

---

**Kirish (Introduction)** Ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда она Ватанга садоқат ва Ватан мустақиллигини ҳимоя қилиш бурчини шакллантириш, ёшларда ҳарбий хизматга ҳурмат туйғусини сингдириш борасидаги ишларни янада кучайтириш, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг эртанги кунини учун ватанпарвар, маънан, жисмонан етук мутахассислар, шунингдек, ҳар жиҳатдан кучли, билимли, иқтидорли, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан қаторида қолмоқда. Шу ўринда бир савол туғилади: ҳарбий ватанпарварликнинг мафкуравий асоси нима? Ҳарбий ватанпарварликнинг концептуал асосининг вазифалари нималардан иборат? Мазкур мақолада ушбу саволларга жавоб топиш асносида, Янги Ўзбекистонда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида қабул қилинган қарор ва унинг мафкуравий концептуал асослари, мақсад ва вазифалари ижтимоий-фалсафий аспектда ёритилиб, илк бор ватандошлик дастури таклиф қилинди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review)** Шу кунга қадар ҳарбий ватанпарварликнинг концептуал асослари ҳақида россиялик профессор ва олимлари ўзларининг услубий тавсияномалари ва тадқиқотларида фикрларни илгари сурганлар.

Сиёсий фанлар доктори Н.В.Стаськова “Методические рекомендации по организации патриотического (военно-патриотического) воспитания” номли услубий тавсияномасида ҳарбий ватанпарварликнинг мазмуни унинг мақсади билан белгиланишини, ёшларни тарбиялашда икки йўналиш асосида тарбиялашни этироф этади. Бунга кўра, биринчи йўналиш ёшларда фуқаролик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, яъни уларда бунёдкорлик жараёнида фаол иштирок этиш қобилиятини шакллантириш орқали, иккинчи

Йўналиш ёшларни мактаб давридан ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар бўлган ораликда ёшларни муайян ватаннинг миллий ва ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш бўйича функцияларни бажаришга тайёрлаш, мақсадли тарбиялаш билан ёшларда ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш бўйича ўзининг фикрларини концептуал асосда ёритган [1.7].

Сиёсий фанлар доктори, профессор С.В.Смульская “Военно патриотическое воспитание Российское молодежи” номли китобида ёш авлод тарбиясида аввало жамият талабларига жавоб берадиган ҳарбий ватанпарварликнинг мақсадини белгилашни таклиф қилган. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг мақсади этиб дунёдаги ва Россиядаги ҳарбий сиёсий вазиятнинг ривожланиш тенденциялари, миллий ва ҳарбий хавфсизликни таъминлаш, Куролли Кучларни мустаҳкамлаш вазифалари ва ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар контингентига қўйиладиган талаблар билан боғлиқлиги эътироф этилган [2. 27-31].

Фалсафа фанлари доктори, профессор В.И.Лутовинов “Концептуальные основы патриотического воспитания на современном этапе развития российской государственности” номли мақоласида ҳарбий ватанпарварликнинг концептуал ёндашувида ижтимоий давлат институтларидан ватанпарварлик таълими тизими фаолиятига кўпроқ таъсир кўрсатиш, фуқаролар, айниқса ёшларга ёрдам бериш, жамият ривожланишидаги муаммолар ва тенденцияларни яхшироқ бошқариш, Россиянинг миллий манфаатлари, ҳақиқий кадрларини сохталаридан фарқлаш масаласини муҳокама қилган [3. 73-87].

Ўзбекистонлик олим ва тадқиқодчиларидан Адлия подполковниги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Усманов А.Т. “Давлатнинг ҳарбий хавфсизлиги: концептуал асослар ва замонавий қарашлар” номли мақоласида Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси ва унинг хавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатида миллий хавфсизликка ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларга баҳо бериш; миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш учун давлат ва жамиятнинг реал имкониятлари ва ресурсларини аниқлаш ҳамда уларга баҳо бериш тўғрисида сўз юритган [4. 224-233.].

Аммо глобал ахборот урушлари ва таҳдидлари кучайган бир даврда, барча давлатлар ўзларининг ёшларга оид давлат дастурлари ва концепцияларини қабул қилиш орқали уларда ватанпарварлик, хусусан, ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш масалаларига алоҳида урғу қаратаётган таҳликали даврда Янги Ўзбекистонда ҳарбий ватанпарварликнинг мафкуравий концептуал асослари долзарб мавзу сифатида ўрганилмаган.

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).**

Илмий билишнинг анализ, синтез, моделлаштириш, герменевтик талқин, тизимли таҳлил, дедукция ва индукция методларидан фойдаланилди

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Фан-техника тараққиёти ахборот технологияларининг беқиёс даражада тараққий этишини тезлаштириб, ҳаётга шиддат билан кириб келган глобаллашув ўз ортидан янги-янги салбий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Интернет инсоният ақл-заковатининг энг буюк кашфиёти бўлиб, бугунги кунда дунё аҳолисининг қарийб 80-85 фоизи уяли алоқадан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Интернет тармоғидаги маълумотларнинг ярми инсон учун зарар келтирувчи, унинг вақтини ўғирловчи, оломон маданияти ғояларини тарғиб қилувчи ғоялардир. Жумладан, мавжуд сайтларнинг 12-15 фоизида парнографик, 35-40 фоизида зўравонлик, 40-45 фоизида жангарилик, уруш ва ёвузлик тарғиб этилади. Шунингдек, интернет тармоқлари орқали миллий менталитетга мутлақо бегона мафкура ва дунёқараш, миссионерлик, беватанлик сингдирилган ахборот маҳсулотларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришга уринаётганлар оз эмас. Бу хуружлар асосида миллат онги ва тафаккурига кучли таъсир кўрсатиш орқали асрлар давомида шаклланган миллий онг ва дунёқараш, ахлоқий меъёрлар, миллий анъана ва удумлар, жумладан, Ватанга, ота-онага, аجدодларга эҳтиром билан қараш, содир бўлаётган воқеаларга мулоҳаза ва аналитик тафаккур билан ёндашиш, кадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга мутлақо тескари ва бегона бўлган “индивидуализм”, “эгоизм”, “космополитизм”, “зўравонлик”, “диний мутаассиблик” каби мафкурани тарқатиш мақсад қилинган.

Қачонки жамиятда иймон-этиқодли, иродаси бақувват, мустақил фикрига эга бўлган ёш авлод шакланса, улар тафаккурида ўзлигини унутмаслик, аجدодларнинг муқаддас кадриятларини безавол саклаш ва келажак авлодга бус-бутун етказиш қарор топса, ёшлар онгида миллий ғурур ва ифтихор туйғулари такомиллашса, ҳар қандай мафкуравий хуружга қарши тура оладиган авлод шаклланади. Бу борада Янги Ўзбекистонда ёш авлодни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгида, Ватанга меҳр-садоқат туйғусини кучайтириш, уларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида вояга етказиш мақсадида ҳукумат миқёсида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2023 йил 29 июнда “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорни қабул қилди. Қарорда ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида асосий вазифа ва топшириқлар белгиланиб, ишлаб чиқилган концепцияда жаҳонда ва минтақада рўй бераётган ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескин ўзгаришидан келиб чиқиб ёшларни **“Халқ ва армия-бир тану, бир жондир!”** деган эзгу қарашлар асосида тарбия қилиш ва уларни

“Ватан-улуғ, бурч-муқаддас!” мафкуравий ғоя остида бирлаштириш, уларнинг қалби ва онгида ҳарбий ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ғоялари илгари сурилган.

Концепциянинг асосий мазмуни ёш авлодда буюк тарихимиз, азалий қадриятларга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш, миллий рух ва ғурурни юксалтириш, бебаҳо бойлик, тинчлик ва осойишталикни асраш ва ҳимоя қилиш зарурлиги каби фазилатларни шакллантириш, зарурат бўлганда, мамлакат суверенитетини ҳимоя қилишга тайёр туриш руҳида тарбиялашдан иборат [5.2.].

Мафкуравий ғояларнинг концептуал вазифалари қуйидагилар:

а) ёшлар ўртасида бузғунчи ва ёт ғояларни тарқалишига қарши профилактик тадбирлар ўтказиш, радикал ғоялар таъсири остига тушиб қолган шахсларни соғлом турмуш тарзи ва анъанавий, умумэътироф этилган диний қадриятларга қайтариш, келгусида жамиятга мослаштириш мақсадида тушинтириш ишларини олиб бориш;

б) ёшларнинг маънавий мавқеини ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, мамлакатимизнинг бой маданий, тарихий қадриятлари ва анъаналарига мос дунёқарашларини шакллантириш;

в) ёшларни бузғунчи ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларига йўл қўймасликка қаратилган ҳарбий ватанпарварлик тадбирларини мунтазам амалга ошириш;

г) ёшлар онгига ватан ҳимояси муқаддас бурчлигини, миллий армиямизга нисбатан ғурур, давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича масъулият туйғуларини сингдириш;

д) юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларни, қабул қилинаётган қонунларни, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини ёшларга тизимли ва мунтазам етказиш, уларда дунё ва минтақадаги глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли равишда ёндашувини ҳамда фаол ҳаётий позициясини шакллантириш, бурчга садоқати, жавобгарлиги ва фидоийлигини кучайтириш;

е) ёшларга буюк аждодлар ва жасоратли замондошларнинг кўрсатган жасоратлари ва фидоийликларини тарғиб қилиш, улар онгида “Ўзбекистон халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди” деган ҳаётий ишончни (шиорни) мустаҳкамлаш.

Юқоридаги концептуал вазифалардан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш жоизки, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, энг аввало, унинг мақсади этиб-ёшларда жамиятнинг турли тармоқлари, айниқса, ҳарбий соҳа билан боғлиқ бўлган давлат хизмати турларида фаоллик кўрсатиш, Конституция ва ҳарбий бурчга садоқатли бўлиш, уларда ўз юрти ва халқининг тақдири учун юксак масъулият ҳамда жавобгарлик каби муҳим хусусиятларни мустаҳкамлашдан иборат [5.2.]. Бу эзгу мақсадга эришишда қатор асосий вазифалар билан бирга йўналишлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Диққатни мафкуравий концептуал асосланган йўналишлардан бири сифатида ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича тадбирларга қаратиш муҳимдир. Бу тадбирларнинг негизи сифатида “Жасорат мактаблари” фаолиятини мисол келтириш мумкин. Бу мактаблар ҳар бир ҳудуд ҳарбий қисмларида ташкиллаштирилган бўлиб, профилактик ҳисобда турган, тарбияси оғир ёшларни ҳарбий қисмларнинг инфратузилмасидан фойдаланган ҳолда уларнинг қалби ва онгида ҳарбий ватанпарварлик туйғуларни шакллантириш, мамлакат ва миллий армиядаги ислохотларни жонли етказиб беришдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2021 йил 9 сентябрь куни ЎзЛиДеП қурултойида сўзлаган нутқидаги “Россиянинг Қозон шаҳрида ўтказилаётган биринчи МДХ ўйинлари ва Токиодаги паралимпиада ўйинлари натижаларини кўриб кўзимга ёш келди. Эртага ғолиблар билан учрашаман. Сизларга бир сирни очмоқчиман: ана шундай ёшлар иштирокида “Жасорат мактаби” очамиз. Чунки кўп ёшларимиз ҳаётга енгил-елпи қарайди. Шундай ёшларга уларни ўртак қилиб кўрсатишимиз лозим. Булардай матонатли бўлиш учун катта шижоат керак” [6] деган таъсирли сўзлари Янги Ўзбекистон ёшларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда дастуриамал бўлиб хизмат қилади.

Концепциядаги ёшлар тарбиясидаги кейинги йўналиш сифатида ёшларни маънавий тарбиялаш бўйича тадбирлар жой олган. Бу йўналишда ҳам қатор тадбирлар, жумладан, маънавий фестиваллари, ёшларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилаётган маънавий соатлари, туман ва шаҳар марказларида ҳарбий оркестр жамоаларининг чиқишлари, Қуролли Кучлар фахрийлари ва ҳарбий хизматчилари иштирокидаги “Уч авлод учрашуви” “Эъзоз ва эҳтиром” шулар жумласидандир.

**Хулоса ва таклифлар (Sonclusion/Recommendations)** Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, сўнгги йилларда дунёдаги ривожланган мамлакатлар ёш авлодни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бир қатор миллий дастур ва концепцияларини қабул қилмоқда. Чунки ҳар бир юртнинг келажакда гуллаб яшнаши, ижтимоий-иқтисодий жихатдан барқарор ва тинч бўлиши, унинг чегаралари дахлсиз бўлиши ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбияланган ёшларга боғлиқ. Албатта, бу мақсадга эришишда мафкуравий концептуал ғоялар остида туман ва шаҳарларда, маҳалла ва овуллардаги ёшларни кенг жалб этган ҳолда, ҳарбий ватанпарварлик қарвонлари, ҳарбийлаштирилган спорт ўйинлари, фестивал ва акциялар, учрашувлар, ҳарбий муассасаларга ташрифлар каби тадбирларни режалаштириш бугунги кунда ўзини ижобий натижаларини бермоқда.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва тинчликни таъминлашда ҳарбий ватанпарварликнинг мафкуравий-концептуал асослари мустаҳкам бўлиши учун ватандошлик дастури муҳимдир. Муаллиф томонидан илк бор тақдим этилган ватандошлик дастури қуйидаги мақсадлар белгиланди.

Биринчидан, Ўзбекистон халқининг, жумладан ёшларнинг миллий онгини ошириш. Бунинг учун таълим ва тарбияни муштарак олиб бориш, тарих ва маданиятни тарғиб қилиш, миллий кадриятлар акс этган ахборот ресурсларини такомиллаштириш, ватанпарварлик туйғусини турли халқона ва миллий тадбирлар билан ҳамоҳанг қилиш орқали тарбиялаш, ўзбек тили ва адабиёти, китобхонлик маданиятини кучайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, маданият ва санъат соҳасида миллий санъат, миллий мусиқа, миллий рақс, миллий хунармандчилик ва миллий меъморчиликни тарғиб қилиш, бу кадриятларни кўз қорачиғидек асраш ватанни асраш билан баробар эканлигини англатиш муҳимдир.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари таъсиридан миллий мавзуларни кенгрок ёритиш, миллий қаҳрамонлар, миллий оодлик курашлари, уларнинг жасоратлари, миллий спорт турлари, ўзбек халқининг қаҳрамонлари ҳақидаги фильмлар, китоблар орқали ёшларни мард, жасур ва бурчга садоқат руҳида тарбиялашга эришиш, ўзбек миллий ватанпарварининг ижобий образини талқин қилиш катта ағамиятга эгадир.

Тўртинчидан, ижтимоий ҳаётда миллий кийим-кечакни кийишга қизиқишни ошириш, миллий таомлар, ўзбек ошхонасини тарғиб қилиш, миллий байрамларни ҳақиқий байрам сифатида нишонлаш (ҳозирга қадар қурбон ва рамазон ҳайитлари янги йил каби таъсирга эга эмас)

Бешинчидан, халқаро ҳамкорлик соҳасида бошқа давлатлар билан таълим, фан, адабиёт ва маданий алоқаларни ривожлантириш, миллий маданиятни тарғиб қилиш орқали хорижда Янги Ўзбекистон ҳақидаги таассуротларни ижобий тарафга ўзгартириш

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида камол топтиришда ватандошлик дастурининг аҳамияти муҳим бўлиб, таълим муассасаларида ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, маданият ва санъат муассасаларида ватанпарварлик мавзусидаги тадбирларни юксак даражага кўтариш, оммавиц ахборот воситаларида ватанпарварлик мавзуларини кенг оммалаштириш, жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳалла, туман, вилоят, республика миқёсида ватанпарварлик руҳидаги тадбирларни тизимли ташкил этиш орқали ёшлар онги, тафаккури, қалбида Ватанни севиш, Ватанни қадрлаш, Ватанни кўз қорачиғидек асраш, Ватанни ҳимоя қилиш, Ватанни миллий кадрият сифатида эъзозлаш, Янги Ўзбекистон халқинининг бирлигини мустаҳкамлаш, Ватан олдидаги масъулият ҳиссини ошириш ва мамлакатнинг истиқболи учун бир тун бир жон бўлишга эришилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Стаськова Н.В. Методические рекомендации по организации патриотического (военно-патриотического) воспитания: Военно-патриотическое воспитание в современной России (концептуальные основы), 2018. - 7 с.

2. Смутьская С.В. Учебно-методическое пособие. Военно-патриотическое воспитание российской молодежи. Концептуальные основы военно патриотического воспитания российской молодежи, 2010. -27-31 с.

3. Лутовинов В.И. Учебно-методическое пособие. Российский патриотизм: основы и приоритетные направления развития патриотизм: Концептуальные основы патриотического воспитания на современном этапе развития российской государственности, 2014.-73-87с.

4. Усмонов А.Т. Давлатнинг ҳарбий хавфсизлиги: Концептуал асослар ва замонавий қарашлар // Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры., 2023. 224–233б. Электрон манба-кириш режими. [<https://in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/11802>] (мурожаат қилинган сана 20.09.2024 йил)

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 июнь кунидаги “Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2023. 2.

6. Мирзиёев Ш.М. Жасур ёшларимиз иштирокида жасорат мактаби очамиз / 2021 йил 9 сентябрь куни ЎзЛиДеП қурултойида сўзланган нутқ. Электрон манба-кириш режими. [<https://in-academy.uz/index.php/ejsspc/article/view/11802>] (мурожаат қилинган сана 22.09.2024 йил) <https://kun.uz/kr/news/2021/09/09/jasur-yoshlarimiz-ishtirokida-jasorat-maktabi-ochamiz-prezident>.